



# Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 9 август,  
№66 (1033)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

**ФАОЛЛАР ЎҚУВИ**

## Машғулотлар билим, малака ва тажрибани бойитади

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар маҳалла фаолларининг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини бойитишда дастуриламал бўлмоқда.

**Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»**

Мазкур тадбирларда мамлакатимиздаги ўн мингга яқин фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул қотиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбарлари иштирок этмоқда.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам ўқув курслари фаолияти тизимли йўлга қўйилган.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисида»ги Низом асосида ўқув машғулотлари режа си шлаб чиқилди, — дейди ўқув курси директори Аҳмад Хожиназаров. — Мазкур режа асосида белгиланган муддатларда машғулотлар ташкил этилди. Ўқувларда вилоятдаги 18 та туман(шаҳар)дан 764 нафар маҳалла фаоли катнашди. Тадбирга олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, депутатлар жалб этилаётгани машғулотлар самарадорлигини оширмоқда.

> [2]

**АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР**

## Мўл ҳосил учун қилинган меҳнат баракали хирмонга заминдир

Ёз фаслининг ҳозирги даври — эрта баҳорда ерга чигит қадаб, қузда мўл ҳосил олиш умидида меҳнат қилаётган миришқор учун гоят долзарб ва аини синов вақти.

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»**



Буни яхши англаган элликкаллик фермер Худойберген Эрназаров ҳосил чўғини ошириш мақсадида эрта кеч тер тўкаётир.

Жорий йилда 20 гектар майдонда галла етиштириб, 50 тонна ҳосил кўтарган «Эрназаров Худойберген» фермер хўжалиги аъзолари аини пайтда 70 гектар майдонда ўза парварини билан машғул.

> [3]

**САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК**

## Эзгулик кўрғони аҳиллик билан барқарор

Халқимиз азалдан серандиша, мулоҳазакор. Етти ўлчаб бир кешиш тамойили рўзгор тутимида ҳам, кўни-кўшни, қариндош-уруғлар билан муносабатларда ҳам устувор. Аммо ҳаёт сўқмоқлари ҳамма вақт ҳам бирдек текмас эмас. Гоҳо кўздек яқин, узокдаги қондош-қариндошдан афзал кўшни билан арзимас масалаларда гап талашилиши, болаларнинг шўхликлари туфайли орага совуқчилик тушиши мумкин. Ундан ҳам ёмони не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган эр-хотинларнинг турмуш талотўплари олдидаги оқибатлари — сан-манга боришлари, ажралиш чохи олдига келиб қолишлари-чи! Албатта, ҳеч бир инсон бундай кўнгилсизликлардан қафолатланмаган.

**Ф. КОМРОН.**

Бироқ ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам юрдошларимиз тийнатидаги вазминлик, мулоҳазакорлик устун келади. Кечига хонадонда тансиқ таом пиширса кўшнисига илинмагунча томонидан ўтмаган ҳам соялар, ёмонини яшириб, яхшисини ошириб юрган қайнона ва келинлар, фарзандлари икболи, рўзгор ободлиги учун биргаллашиб эртадан кечгача тиним билмай елиб-югураётган эр-хотинлар ўзаро низолашиб қолишса, аввало, жанжалнинг оқибатини ўйлайди. Мажорачуқурлашгандан чуқурлашса эртага маҳалла-қўйда қандай бош кўтариб юрамиз, ким де-

ган одам бўламиз, деган мулоҳазага боришади. Ва аини шу ўринда маҳалла нафақат ўзини ўзи назорат қилиш, балки жамоатчилик назоратини ўрнатиш органига айланиши кузатилади.

Бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан йиғинлар қошидаги Яраштириш комиссияларига услубий-амалий кўмаклашиш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси тўғри-

## ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари»

кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқаруви яқунланди

Ҳадемай халқимизнинг кўп минг йиллик бебаҳо қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналарини ўзда мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалла институтига ҳуқуқий мақом ва қонуний ваколатларни тўхфа этган истиқлолимизнинг йиғирма уч йиллик таянчаларини кенг нишонлаймиз.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

Республикаимизнинг барча ҳудудларида кутлуғ айёмни юқори савияда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўри-

ётган аини кунларда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг вилоят бошқаруви «Яғонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилганида ўзига хос рамзий маъно бор,

албатта. Чунончи, оилалар мустаҳкамлиги, ҳудудлар ободлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилаётган ишлар кўлами бугун ҳар қачонгидан ҳам ортган.

> [2]

**ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ**

## Номига муносиб иш тутмоқ — хайрли амал

Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидаги «Тадбиркорлар» маҳалла фуқаролар йиғинида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларга ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

**А. АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»**

Маҳаллани кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлан-

тириш, аҳолини, айниқса, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан бирга «Очиқ эшиклар

кўни», «Ҳуқуқий маслаҳат соати» ҳамда савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда.

Хусусан, вилоят адлия бошқармаси мутахассислари иштирокидаги тадбирда Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги фармони ҳамда 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган имтиёзлар тўғрисида батафсил тушунча берилди.

> [3]

**«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»**

## Назарий билим амалий ҳаракат билан уйғун

Баҳромжон (исми ўзгартирилган) бугун маҳалладаги йиғилишдан изза бўлиб қайтди. Қирқ ёшни қоралаб, кўпчилик ўртасида хали бунақа уялмаган эди. Аини балоғат остонасида турган ўгли алақачон ёмон хулқи билан маҳаллага танилиб бўлибдию, отаси бундан беҳабар.

**Фарҳод ҚОДИРОВ «Mahalla»**

Айб ўзида, иш, улфатчилик билан бўлиб, уйда фақат кечкурунлари бўлади. Болалари билан шуғулланишга вақт топмайди. Мана, оқибати, ўсмир бўлиб ўнбирликка қўл ургани боис ота мулазам. Хулоса шуки, ота оилада фарзанд тарбияси бўйича хали муайян тажрибага эга бўлмаган.

— Маҳалламизда «Ота-оналар университети» фаолияти йўлга қўйилгандан буён бу каби ҳолатлар қайтди, — дейди Чортоқ туманидаги «Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одижон Бохонов. — Жорий йилнинг ўтган даврида университет машғулотларида 25 та масала кўриб чиқилди ва шундан утчаси аинан ўсмирлар тарбиясида отанинг ўрнига башланланди. Рўй-рост айтиш керак, машғулотлардан сўнг тегишли хулоса чиқариб, ижобий томонга ўзгараётган оилалар анчагина.

> [4]



сидаги Намунавий низом қабул қилинган, бу борадаги саяёҳаракатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига илова тарзида иш-лаб чиқилган мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти-

ни такомиллаштиришда қўл келаятир.

Хўш, Яраштириш комиссиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Мазкур тузилмада кимлар фаолият кўрсатади?

Яраштириш комиссиясининг мақсади фуқароларнинг оилаларда ва маҳаллаларда оқибатда, ҳамжиҳатликда

яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этишдан иборатдир. Жамоатчилик асосида иш юритилган мазкур комиссия ёш авлоднинг соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маъ-

навий муҳит барқарорлигини таъминлашга ёрдамлашади.

Сир эмас, оилавий низолар, фарзанд тарбиясига этиборсизлик, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг турли ёт гоғлар таъсирга тушиб қолиши, ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандлик иллатларига берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши оилалар барбод бўлишининг асосий сабабларидандир. Хонадонлардаги тотувлик маҳаллалардаги маънавий муҳит, жамият мустаҳкамлиги ҳамда мамлакат барқарорлиги билан узвий боғлиқ. Шу боис йиғит-кизларни оила куришига руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлашга кўмаклашиш, ажралишларнинг олдини олиш бўйича мунозам равишда тарғибот тадбирлари уюштирилиши лозим. Оиланинг мукаддаслиги ва жамиятнинг асосий бўғини эканлигини ёшлар онига синдиришга қаратилган бу сингари ташвиқот ишларини амалга ошириш Яраштириш комиссияларининг асосий вазифалари сирасига қиради.

> [2]




**САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ,  
ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК**

**Эзгулик кўрғони  
аҳиллик билан барқарор**

< [1]

Мамлакатимиздаги мавжуд фуқаролар йиғинларида тузилган Яраштириш комиссиялари томонидан эрхотин, қайнона ва келин, яқин қариндошлар, кўни-қўшилар ўртасидаги низоларни баргараф этиш, бузилган муносабатларни тиклашга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, масжидларнинг имом-хатиблари, таълим муассасалари раҳбарлари, кишлоқ врачлик пункти (оилавий поликлиника) вакиллари, намунали оила бошқилари, обрў-этиборли маҳалла фаолларидан иборат бундай тузилмалар аллақачон юрдошларимиз ишончини қозонган. Буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 27 минг нафарга яқин фуқаро оилавий келишмовчиликлар юзасидан Яраштириш комиссияларига мурожаат қилганидан ҳам билиш мумкин.

Миллий кадрларимизга зид ҳолда мунтазам равишда нотинч яшаётган, кўни-қўшичилик муносабатлари ҳамда маҳалладаги оқошталаниш бузилишига сабабчи бўлаётган оилаларни аниқлаш маҳалла фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Яраштириш комиссиялари томонидан турли ноҳўя хати-ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳонадонлардаги турмуш тарзини ўрганиб, маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омидаларга барҳам бериш мақсадида 26 600 тадан зиёд оила муҳокама қилинди.

Алкоголь, тамаки маҳсулотлари ҳамда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш оила пойдеворига пурут етказди. Шу бос улари-нинг зарари тўғрисида тарбиёт тадбирлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Комиссия фаолларининг ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган, муқаддам судланган, оилада ва турмушда мунтазам ҳуқуқбузарликларга йўл қўйувчи, турли ёт фоғлар таъсирини тушган шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб боришдаги кўмаги катта бўлаётган. Бу борада, айниқса, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга қайтишига, жамиятдан ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни омма-лаштириш Яраштириш комиссиялари ишнинг бирмунча энгиллаштириладиган хайрли амаллардан. Аҳоли ўртасида тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, қадриятларимизга мос равишда ўтказишни тарғиб қилиш юзасидан ҳам ижобий тажрибалар тўпланиди.

Яраштириш комиссияларининг фуқаролар йиғини

ҳудудидаги ички ишлар органлари профилактика инспектори, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари, таълим муассасалари, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, йиғинлар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялари билан ҳамкорлиги ўз самарасини бераётган. Бунинг натижасида республикаимиз бўйича 12789 та оила яраштирилди.

Таассуфки, баъзан ҳаётда барча низоларни ҳам тинч йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Ҳ.Урозова. — Шу маънода Яраштириш комиссиялари 9339 та оилани ажримдан сақлаб қола олмайди. Ажримларга ўзаро келишмовчиликлар, моддий этишмовчилик, ичкиликка берилиш, ўзга юртга кетиш ва бошқа омидалар сабаб бўлди. Шунга қарамай, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича изчил тарбиёт тадбирлари олиб боришмоқда. Утган йил 72942 та, жорий йилнинг дастлабки чорагида 24799 та ана шундай учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Уларда ўтган йил 3 510 311 нафар, жорий йилда эса 1 149 495 нафар аҳоли иштирок этди.

Биргина комиссия аъзоси бўлган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан ўтган йилда 6 миллионга яқин оиланинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилди. Мухими, 1 млн. 600 минг ёш оила ҳамда 134 минг боқувчисини йўқотган оилага зарур маслаҳатлар берилди. Жумладан, 34 минг-дан зиёд оилалар низо ҳамда 7 мингдан ортиқ эрта никоҳнинг олди олинди.

Шунга қарамай, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги Яраштириш комиссияларининг барчасида ҳам ишлар кўнгиладиган ташкил этилган, деб бўлмайди. Бундай комиссиялар фаолияти Фонд республика бошқаруви йиғинида ҳамда унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари фаолияти сарҳисобида атрофича таҳлил этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, эндиликда яраштириш йўналишидаги илғор тажрибаларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Жумладан, Вазирилар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги 37-сонли баёни билан тасдиқланган Дастурнинг 42-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан «Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги энг намунали Яраштириш комиссияси» танловининг ту-ман (шаҳар) босқичларини таъминлаш бўйича Яраштириш комиссияларининг барчасида ҳам ишлар кўнгиладиган ташкил этилган, деб бўлмайди. Бундай танловлар Яраштириш комиссиялари фаолларини рағбатлантириш баробарида уларнинг ибратли ишларини оммалаштиришда муҳим омилдир.

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

# «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари»

**кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари якунланди**

< [1]

— Фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланиб, ваколатлари доираси кенгайётгани туфайли танлов шартлари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб борапти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Наргиза Қанонова. — Фуқаролар йиғинлари томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси бу йилги танловнинг биринчи шarti сифатида белгиланди. Иккинчи шартда иштирокчилар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда йиғинда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат маркази ва «Ота-оналар университетини» фаолияти юзасидан амалга ошираётган ишлар бўйича баҳсландилар. Учинчи шартда қатнашчиларнинг иш фаолиятига оид ва қундалик ҳаётда учраб турадиган саволларга берган жавоблари, дунёқараши ҳамда ҳозиржавоблиги нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб берилди.

**Нукус шаҳри** Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат театри биносига эрта тонгда янграган қарнай-сурнай садолари республиканинг 2 та шаҳар ҳамда 14 та туманидаги 401 та фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган маҳалла фаолларини, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига чорлади.

— Бу йилги танлов «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Қожабой Ғамуродов. — Танловнинг туман(шаҳар) босқичлари жорий йилнинг 1-20 июнь кунлари ўтказилди. Унда республика бўйича жами 350 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи иштирок этиб, шундан ғолиб деб топилган 16 та фуқаролар йиғини республика босқичига ўзаро куч синишти.

Ҳакамлар ҳайъатининг яқдил ҳулосасига кўра, энг юқори балл тўплаган Нукус шаҳридаги 57-сонли «Гулзор» маҳалласи биринчи ўринни қўлга киритди.

**ФАОЛЛАР ҲУҚУВИ**

## Машғулотлар билим, малака ва тажрибани бойитади

< [1]

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биносига ташкил этилган ўқувнинг 2014 йил 10 мартдан 21 июнь кунига қадар давом этган курсларида 32 та гуруҳнинг ҳар бирида 25 нафардан тингловчи малакасини ошириш семинарлари Президентимиз асарлари, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар, уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғри-



Иккинчи ўринга Тўртқўл туманидаги «Туркистон» маҳалласи, учинчи ўринга Нукус шаҳридаги Оқманғит шаҳарча фуқаролар йиғини лойиқ топилди. Қораўзақ тумани Қораўзақ шаҳарча фуқаролар йиғини тўртинчи ўринга муносиб кўрилган бўлса, Беруний туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини бешинчи ўрин билан кифояланди.

— Худудимиздаги касб-хунар коллежи ва спорт мактабида таълим олаётган ёшларнинг машғулотлардан сўнг «Баркамол авлод» болалар марказига жалб қилганимиз қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлад, — дейди танлов ғолиб, 57-сонли «Гулзор» маҳалласи раиси Раўжақ Хожамуродов. — Бунда бевосита йиғин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиянинг алоҳида ҳиссаси бор. Комиссия аъзоларининг сайёра ҳаракатлари билан ўқувчиларнинг давомати яхшиланиб, дарслар пухта ўзлаштирилмоқда. Қолаверса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка бутунлай барҳам берилди. Энг муҳими, фарзандларимиз жиямон соғлом ва маънан етук бўлиб улғайишмоқда. Бу-гунги танловда энг юқори балл тўплаганимизнинг асосий омилли йиғинимизда комиссиялар иши намунали ташкил этилганида, деб биламан.

**Бухоро шаҳрида** ўтказилган танловда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Тўйева иштирокчиларни қўтлаб, оилаларда баркамол авлодни тарбиялаш, худудларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, миллий маънавийликка зид турли салбий таъсирларнинг олдини олиш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш маҳалла фаоллари то-

монидан муваффақиятли бажарилаётганини эътироф этди.

Танлов шартлари бўйича юқори балл тўплаган Ғиждувон туманидаги «Тошлок» маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб, деярлик топилди. Шунингдек, Вобект туманидаги «Шакаркент» ҳамда Бухоро шаҳридаги «Шайх-ул-олам» маҳаллалари 2- ва 3-ўринларни қўлга киритишди.

— Маҳаллаимизда қатор ибратли ишларнинг амалга оширилишида йиғин ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияларнинг роли катта бўлмоқда, — дейди Ғиждувон туманидаги «Тошлок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Шамсиева. — Худудда йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари, комиссиялар фаоллари томонидан ҳар чоракда вакиллар йиғилишига ҳисоботлар бериш тизимли йўлга қўйилган. Айни пайтда тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда 115 та оилавий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Танловнинг саралаш босқичида иштирок этган 644 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи орасидан 14 та сони **Қашқадарё вилояти** босқичида йўллангани қўлга киритган эди.

Вилоят босқичи якунларига кўра, Нишон туманидаги Ойдин қишлоқ фуқаролар йиғини биринчи ўринга, Ғузур туманидаги Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини иккинчи ҳамда Деҳқонобод туманидаги «Бўстон» маҳалласи учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги аҳоли бандлигига кўл жихатдан боғлиқ, — дейди Нишон туманидаги Ойдин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қурбон Жумаев. — Халқобод, Нав-

рўзтепа қишлоқларига табиий газ етиб бормагани аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Туман ҳокимлигининг ёрдами билан қишлоқларга 7 километр табиий газ қувури тортилди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан Наврўзтепа қишлоғига 1 километр ичимлик суви қувури ўтказилди, ички йўллар асфальтланди. Бундан ташқари, худудда маҳалла гузарни барпо этиляпти. Унга ёндош тарзда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шох-хобчалари ҳам фойдаланишга топширилади.

— Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида ўтказилаётган танловнинг нуфузи жуда юқори, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Аҳрор Ғуломов. **Тошкент шаҳридаги** мухташам «Туркистон» саройида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг шахар босқичида. — Ҳар йилги танловнинг ушбу босқичларида 1-, 2- ва 3-ўринлар ҳамда турли номинациялар аниқланган бўлса, Соғлом бола йилида ғолибларга бешта ўрин ажратилди. Бундан қўзланган мақсад иштирокчиларни муносиб тарзда рағбатлантиришдир.

Пойтахтимиз туманларидаги маҳаллалар орасидан энг намуналиларини аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъати аъзолари анча тер тўкишди. Чунки иштирокчилар ушбу тадбирга ҳар томонлама пухта тайёрлик кўришган. Танлов иштирокчилари номаном саҳнага таклиф этилиб, улар тўплаган баллар бошлов-

— Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги аҳоли бандлигига кўл жихатдан боғлиқ, — дейди Нишон туманидаги Ойдин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қурбон Жумаев. — Халқобод, Нав-

чилар томонидан ўқиб эшиттирилди.

Барча ракибларини ортада қолдириб, берилган саволларга аниқ ва пухта жавоб қайтарган Шайхонтоҳур туманидаги «Шо-файзи» маҳалласи вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Учтепа тумани Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фаолларининг чиқишлари иккинчи ўринни нақд қилган бўлса, учинчи ўринга Яқкасарой туманидаги «Бошлик» маҳалласи лойиқ топилди. Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалласи ҳамда Юнусобод туманидаги «Ахилбод» жамоаси тўртинчи ва бешинчи ўринлар билан кифояланди.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида фуқаролар йиғинлари фаолиятини акс эттирган кўргазмалар намойиш этилди. Уларда Мустақиллик байрами муносабати билан амалга оширилаётган ишлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида фуқаролар йиғинлари фаолиятини акс эттирган кўргазмалар намойиш этилди. Уларда Мустақиллик байрами муносабати билан амалга оширилаётган ишлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида фуқаролар йиғинлари фаолиятини акс эттирган кўргазмалар намойиш этилди. Уларда Мустақиллик байрами муносабати билан амалга оширилаётган ишлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида фуқаролар йиғинлари фаолиятини акс эттирган кўргазмалар намойиш этилди.

Танловларда «Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фаоллик кўрсатган фуқаролар йиғини», «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ишларини самарали ташкил этишда жонбозлик кўрсатган фуқаролар йиғини», «Вояга етмаганлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича самарали фаолият олиб бораётган фуқаролар йиғини» каби номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилинди.

Ғолибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди худудий бўлинмалари ҳамда ҳомилларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Санъаткорларнинг чиқишлари тадбирларга байрамона руҳ бағишлади.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий кадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказилиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танлови тизим фаоллари учун ўзига хос тажриба мактабидир.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Андихон, Жиззах, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари босқичлари ҳам юқори савияда ташкил этилди.



ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

ФОНД КЎМАГИДА



Аниқ режа ва дастур асосида

Жорий ўқув йилида пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Чархи Камолот-2» маҳалла фуқаролар йиғинидан 82 нафар йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлади.

■ Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Маҳалла фаоллари асосий эътиборни битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласига қаратди. Бу борада туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва бошқа иш берувчи қўллаб-ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил чора-тадбирлар олиб борилди. Натижада битирувчилар мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

Президентимизнинг мажлисига 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янгули ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Базирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган, — дейди йиғин раиси Бахтиёр Ғиёсов. — Шунингдек, маърузада бу вазифалар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар ҳаёти, ёш оилалар тақдирини дахслон муҳим масала экани таъкидланган бу борада белгилаган чора-тадбирларимизнинг аҳамиятини оширмақда.

Дастлаб ҳамкор ташкилотлар билан касб-хунар коллежлари битирувчиларини танлаган касбага мос ишга жойлаштириш ва битирувчилар ҳақидаги барча



■ Н. ХАЙДАРОВ олган сурат.

маълумотлар жамланди. Ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун корхона ва ташкилотларга бириктиришга кўмаклашилди. Ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама — «коллекж — битирувчи — корхона» ўртасидаги шартномани тўлиқ амалга ошириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Шаҳар ва туманларда салоҳиятли иш берувчилар иштирокида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида мунтазам катнашилди.

Бу йил касб-хунар коллежларини тамомлаган битирувчиларнинг 39 нафари қизлар, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Висла Нуридинова. — Уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмиталари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйдик. Зеро, мамла-

катимизда хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустақамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Маҳалла ёшлари орасида ўз билим ва салоҳиятига ишонган, ғайратли, ташаббускор йигит-қизлар, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш йўлидаги, ўз бизнес-режасига эга бўлганлар кўпчилигини ташкил этади. Улар учун ҳам етарлича шароит яратилган. Жорий йилда уч нафар коллеж битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиш учун банкдан кредит олиш истagini билдирган.

Мухтасар айтганда, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш маҳалла фаолиятининг муҳим йўналишига айланган. Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар қўла-ми янада кенгайди.

Тадбиркорлик ривожига қўшилган ҳисса

Халқимиз: «Иш биланга минг таंगा», деган нақлни бежиз айтмаган. Негаки, ишнинг кўзини билган кишининг рўзғори бут, дастурхони доимо тўкин бўлган.

■ Топмуҳлат ХАЙИТБОЕВ «Mahalla»

Сайхунобод туманида тадбиркорликнинг турли йўналишларида ўз фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётди. Улар нафақат оиласи, балки худуд иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Иттифоқ кишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Пахтакон» маҳалласида яшовчи Олимжон Шаматов ана шундай жонкуяр тадбиркорлардан. У «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлимида кўмағида «Сайхун» вишт қурилиш корхонасини ишга туширди. Натижада худуд аҳолисининг 46 нафари иш билан таъминланди.

Худуддаги 10 гектар майдонни эгаллаган мазкур корхонага хориждан келтирилган замонавий ускуналарни ўрнатиш, худудлар куриш, ишчилар учун ётоқхона, ошхона, дам олиш хоналарини барпо қилишда Фонднинг туман бўлими томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича хашарлар уюштирилди, мевадари, манзарали дарахт, гул қўчатлари ўтка-

зилди. — Чекка худуддаги ки-чик кишлоқда шундай йирик корхона барпо этиш ва фаолиятини бошлашда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда йиғин фаолларининг амалий кўмағи бекиёс бўлди, — дейди тадбиркор. — Айни пайтда корхонамизда ишик ва сифатли ҳамда ҳамёнбоп нархдаги вишт маҳсулотлари тайёрланмоқда. Маҳсулотлар нафақат туманимизда, балки вилоятимизнинг бошқа худудларида ҳам харидорларга.

Тадбиркор яқинда корхона фаолиятини кенгайтириб, махсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширди. Бунда ҳамкор ташкилотлар, айниқса, Фонд туман бўлимининг ёрдами кўл келди. Натижада касб-хунар коллежининг 40 нафар битирувчиси иш жойига эга бўлди.

Жорий йилнинг шу кунига қадар Олимжон Шаматов сингари ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш йўлидаги 20 нафар фуқаро «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сайхунобод туман бўлими кўмағида тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Пировардда кўплаб иш ўринлари яратилиб, кишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди.

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

Мўл ҳосил учун қилинган меҳнат баракали хирмонга заминдир



■ Ва. Абдулов ошган сурат.

< [1]

— Экин-текин мавсумининг ҳар бир кунини, бажариладиган ҳар бир юмуши ҳосил қўнига таъбир қўрсатади, — дейди фермер. — Август ойида ғўзага ўз вақтида ишлов бериш, сифатли суғориш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ойда экин кун эмас, соат сайин ривожланади. Шу боис диққат-эътиборимизни майдонларда барваж ўсаётган ниҳоллар парваришига, уларни касалликлардан асрашга қаратмоқдамиз.

Ҳа, фермер ҳосил тақдирини хал бўладиган ушбу ойда агротехник ишларини вақтида амалга оширишни қанда қилмаётди. Хусусан, ғўза қатор ораларидан намликни қочирмаслик учун тунда шарбатлаб суғориш усулидан фойдаланмоқда. Бунинг учун керакли микродоғда маҳаллий ўғитларни жамғариб қўйган. Унинг айтишича, ниҳоллар суғорилгандан сўнг, албатта, қатор ораларини юмшатиб, ёввойи ўтлардан тозалаб борилса, экиннинг ўсиши, шонининг қўсқакка айланган суръати тезлашади.

Айни пайтда фермер ҳўжалигининг 30 нафар аъзо-си ғўза майдонида чеканка

ишларини ниҳоясига етказмоқда. Бу эса ўсиш жараёнини тўхтатиб, қўсакларнинг қўпайишига ёрдам беради.

Агротехник тадбирларнинг вақтида олиб борилгани туфайли экинлар кўнгидаги-дек ривожланипти. Ҳозирнинг ўзида қўсаклар сони түп бошига 17-18 тага етди. Демак, пахта йиғим-теримида ҳосилдорликнинг ошиши таъин.

Таъкидлаш лозимки, худуднинг бирмунча шўрланган, ҳосилдорлик даражаси кам бўлган тупронда қўпилган натижага эришиш фермердан тажриба, тинимсиз меҳнат ва, албатта, ерга меҳрин талаб этади. Худойберген Эрназаровда буларнинг бари мужассам. У ҳар йили туманда биринчилар қаторида белгилаган шартномани ошиғи билан адо этиб, кейинги йилнинг режасига киришади.

Номига муносиб иш тутмоқ — хайрли амал

< [1]

Худудда қарийб 50 нафардан зиёд тадбиркор фаолият юритмоқда. Яқинда ўтказилган учрашувда уларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ва текширишларнинг олдини олиш бўйича қандай чоралар кўриш лозимлиги ҳақида атрофлича маълумотлар етказилди.

Бундан ташқари, йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича, Экология ва табиати муҳофазаси кўриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича, шунингдек, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялари томонидан ҳар чоракда бир марта фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига доир амалдаги қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида ахборот бериб берилмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, йиғин қошидаги «Маслаҳат маркази» фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришда ўзига хос тажриба мактабига айланиб бормоқда. Бойси тадбиркорлар, аввало, ўз бизнес-режаларини тузиш, банкларга мурожаат қилиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтишни қонуний йўл-йўриқларини шу ердан ўрганишапти.

Худуддаги «Ягона ҳамкор нури» масъулияти чекланган жамияти раҳбари айнан йиғин фаолларининг маслаҳати ҳамда кўмағи билан иш бошлаган. Айни пайтда корхонада маҳалланинг 50 нафардан зиёд хотин-қизли меҳнат билан банд. Максудали Юнусовнинг замонавий эшик-ромлар тайёрлайдиган цехни ишга туширишида

«Маслаҳат маркази»да ташкил этилган қисқа муддатли курсларда олган ҳуқуқий билимлари асқотди.

Маҳмуджон Юнусов эса ҳуқуқий билимларини мустақамлаб олган, ўз томоғига ҳўжалигини кенгайтириб, бодринг ва помидор етиштиришга мўлжалланган ис-сикхонани барпо этди. Натижада 7 нафар оила аъзо-сининг бандлиги таъминланди.

Маҳалламиз бежиз «Тадбиркорлар» деб номланмаган, — дейди йиғин раисиси Зухраҳон Раҳматуллаева. — Аҳолимиз тадбиркорликнинг турли йўналишида фаолият бошлаб, нафақат оиласи фаровонлигини таъминлаш, балки худудимиз иқтисодий ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшаётган ишбилармонлардан иборат. Мазкур соҳанинг кенг қулоч ёйгани туфайли ишсиз юрган кишининг ўзи йўқ. 2010 йилдан буён ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари, айниқса, оилаларда ажримлар умуман кузатилмади.

Кувонарлиси, йиғиннинг Тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси раиси Хотамжон Охунқуловнинг ташаббуси билан маҳаллада «Ҳуқуқий маслаҳатхона» очилди. Унга жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг масъул ходими, маҳалланинг фаол аъзоси Илҳомжон Қамбаров масъул этиб тайинланди. Қўрғонтепа индустриал-педагогика коллежи директори Қосимжон Муҳаммаджонов ҳамда йиғиннинг «Маслаҳат маркази» раиси Соҳибжон Бобохонов маслаҳатхонага мурожаат билан келганларга яқиндан кўмак берапти.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Моддий кўмак ва ғамхўрлик кўрсатилди



«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 12-бандида белги-ланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 700 дан зиёд ёш оилага тўй-маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳомийлик ёрдами кўрсатиш» чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг тўй-маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

■ Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

Жумладан, Марғилон шаҳрида 9 нафар, Олтириқ туманида 6 нафар, Қўқон шаҳрида 8 нафар, Данғара туманида 11 нафар, Тошлоқ туманида 11 нафар ва Бувайда туманидаги 19 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ ҳамда хатна тўйлари ўтказилди. Бувайда туманидаги 11 та кам таъминланган оилага Фонд томонидан 820 миң сўмлик моддий ёрдам кўрса-

тилди. Шунингдек, Учкўп-рик туманидаги 7 нафар имконияти чекланган шахсларга ногиронлар аравачаси олиб берилди.

Жорий йилнинг шу дав-рига қадар «Маҳалла» хай-рия жамоат фонднинг худудий бўлим ва бўлиналари томонидан жойларда кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларнинг 98 та никоҳ тўйи ва 102 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказишга 304 млн. сўм маб-сўмлик моддий ёрдам кўрса-

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА

Оқида аёллар ташаббусда ҳам фаол

Давлатимиз раҳбари Конституцияимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгалла-шига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларини ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни хал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз», дея таъкидлаганди. Бундай юксак ишонч фуқаролар йиғинларининг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комис-сиялари зиммасига катта масъулият юқлайди.

■ Бек НАЗАР «Mahalla»

Бундай долзарб вазифани на-мунали йўлга қўйишда Жиз-зах шаҳридаги «Сангзор» ма-ҳалла фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси фаолияти эътиборга олинди. Маҳаллада обрў-эътибор қозонган, жамо-атчилик, аввало, хотин-қизлар ва оилалар билан ишлашда бой тажрибага эга тўққиз нафар

фаол ҳамда «Камолот» ЁИХ фаоли Юлдуз Худойназарова жонбозлик кўрсатаётди.

Комиссия аъзолари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркин-лик ва қонуний манфаатлари ҳимояси, ёш авлоднинг тарбия-си, оналик ва болаликнинг му-ҳофазаси, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш-га интилишмоқда. Хусусан, ма-ҳаллада истикомат қилаётган 2 миң 700 нафардан зиёд аҳоли-нинг 1 миң 400 нафардан ор-

тигини хотин-қизлар ташкил этади. Бугунги кун эса улардан янада фаоллиқни талаб этаёт-тир.

Фуқаролар йиғинининг ди-ний маърифат ва маънавий-а-хлоқий тарбия масалалари бўй-ича маслаҳатчиси ҳамда маҳалла қошидаги бошқа комиссиялар, жамоат тузилмалари билан ҳам-корликда оилаларни мустаҳкам-лаш, аҳоли орасида соғлом тур-муш тарзини тарғиб қилиш, хо-тин-қизлар ўртасида ҳуқуқбу-зарлик ҳолатларини бартараф этиш борасида фаол иш олиб-борилаётди, — дейди комиссия раиси Зулхумор Инатова. — Зеро, уларнинг фаолияти йўна-лишлари турлича бўлса-да, мақ-сади битта: маҳаллада тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаб, аҳоли фаровонлигини ошириш.

Шу йилнинг ўтган даврида тўрт нафар аёлнинг иш билан

таъминланишига амалий ёрдам кўрсатилди, «Онахонлар гу-руҳи» ҳамкорлигида «Қайнона ҳам она», «Миллий анъана ва кадриятлар», «Ибратли оила», «Ибратли қайнона» мавзуларида учрашув, суҳбат ва кўрик-танловлар ташкил этилди.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия ташаббуси билан маҳаллада «Чевар қизлар» клуби фаолият юритаётди. Гул-ноза Абдуазимова раҳбарлигида-ги бу клубда ўн бешдан зиёд киз хунар ўрганапти. «Ораста қизлар давраси» тўғараги аъзо-ларининг ўз тендошларига одоб-ахлоқ ва чеварлик сирларини ўргатишга таъсирга эришди.

Бирок вилоятдаги барча фу-қаролар йиғинлари комиссия-ларининг фаолиятини кўнги-дагидек, деб бўлмайди. Айрим йиғинларда оилавий ва аёллар спортини ривожлантириш, со-

